

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА
ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**78 «Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги муваққат йўриқномани тасдиқлаш
хақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш хақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1798-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 2-сон, 19-модда) асосан, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2008 йил 24 мартдаги 43-сонли «Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги муваққат йўриқномани тасдиқлаш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 1798, 2008 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 149-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

С. АРАБОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 5 февраль,
1-н-сон